

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**115 Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Республикамызда касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича зарур шарт-шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш энг муҳим устувор йўналишлардан бири қилиб белгиланган.

Бунинг натижасида биргина 2014 йилда касб-хунар коллежларининг 495 минг нафарга яқин битирувчисининг бандлиги таъминланди. Уларнинг 423,1 минг нафари ишга жойлашди, 56 минг нафари тадбиркорлик фаолияти билан банд, 14,3 минг нафари олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди. Ўз хусусий ишини очиб, бизнес билан шуғулланишга қарор қилган касб-хунар коллежлари битирувчиларига тижорат банклари томонидан 200,0 млрд сўмдан ортиқ имтиёзли кредит берилди.

Шу билан бирга, таҳлил натижалари мутасадди раҳбарларнинг касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласига эътиборсизлик билан ёндошиши натижасида қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, ўтказилган ўрганишлар ишга жойлашган деб ҳисобот берилган битирувчилардан баъзиларининг ишга жойлашгани ўз тасдиғини топмаганлигини, меҳнат дафтарчалари очилмаганлигини, меҳнат қонунчилигига зид равишда ишга қабул қилинганлигини кўрсатмоқда.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш, эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштиришда мутасадди раҳбарларнинг жавобгарлигини ошириш, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 16 январдаги 1-сон мажлиси баёнининг 20-банди ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш, аниқ ташкилотларга — иш берувчиларга бириктириш ва эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича 1-иловага мувофиқ таркибда Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши (кейинги ўринларда — Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши) тузилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ҳафта муддатда 2-иловадаги наъмунавий таркибда касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш, аниқ ташкилотларга — иш берувчиларга бириктириш ва эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича ҳудудий мувофиқлаштирувчи кенгашларни (кейинги ўринларда — Ҳудудий кенгашлар) тузилсинлар.

3. Белгилаб қўйилсинки, ҳар йили:

а) касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишлаб чиқариш амалиёт-

ларини ташкил этиш ва уларни ишга жойлаштириш бўйича амалга ошириладиган ишлар 3-иловадаги схемага мувофиқ, касб-хунар коллежларининг битирувчиларини, кейинчалик эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштиришни назарда тутган ҳолда, ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун аниқ корхона ва ташкилотларга — иш берувчиларга бириктириш ҳамда ишга жойлаштиришни ташкил этиш бўйича тадбирлар 4-иловага мувофиқ амалга оширилади.

б) туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари:

касб-хунар коллежлари ҳамда корхона ва ташкилотлар раҳбарлари билан биргаликда ўз ҳудудларидаги касб-хунар коллежларининг ҳар бир битирувчисини кейинчалик эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштиришни назарда тутган ҳолда, ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун эгаллаган касбига мос йўналишдаги аниқ корхона ва ташкилотларга — иш берувчиларга бириктиради ҳамда уч томонлама (корхона-битирувчи-коллеж) шартномалар тузишни 20 мартга қадар якунлайди;

касб-хунар коллежларининг ҳар бир битирувчиси ҳамда уч томонлама (корхона-битирувчи-коллеж) шартномалар тузилган корхона ва ташкилотлар тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни 22 мартга қадар Худудий кенгашларга тақдим этади.

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда Худудий кенгашлар:

туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан тақдим қилинган маълумотларни умумлаштиради, бириктирилган корхона ва ташкилотларда касб-хунар коллежлари битирувчиларининг эгаллаган касбига мос иш ўрни, амалиёт ўташ учун шарт-шароит мавжудлигини таҳлил қилади;

янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури асосида белгиланган янги иш ўринлари ташкил этилишининг доимий мониторингини олиб боради ҳамда ташкил этилган иш ўринларига меҳнат бозорига янги кириб келаётган касб-хунар коллежи битирувчиларининг ишга жойлаштирилишини таъминлайди;

касб-хунар коллежларининг ҳар бир битирувчиси ҳамда уч томонлама шартномалар тузилган корхона ва ташкилотлар тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни 25 мартга қадар Республика мувофиқлаштирувчи кенгашига тақдим этади.

г) Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши:

Худудий кенгашлар томонидан тақдим қилинган маълумотларни умумлаштириб, таҳлил қилади ҳамда 30 мартга қадар касб-хунар коллежларининг битирувчиларини, кейинчалик эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштиришни назарда тутган ҳолда, ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун аниқ корхона ва ташкилотларга — иш берувчиларга бириктиришнинг якуний кўрсаткичларини (кейинги ўринларда — якуний кўрсаткичлар) ҳар бир туман ва шаҳар кесимида тасдиқлайди;

тасдиқланган якуний кўрсаткичларни 10 апрелига қадар ижро учун Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказига, Ўрта махсус, касб-хунар таълими

худудий бошқармаларига, касб-хунар коллежларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ўташ ва кейинчалик эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштиришга кўмаклашиш учун тегишлиги бўйича Вазирлар Маҳкамаси комплексларига тақдим этади;

ҳар бир туман ва шаҳар бўйича касб-хунар коллежлари битирувчиларини, кейинчалик эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштиришни назарда тутган ҳолда, ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун аниқ ташкилотларга — иш берувчиларга бириктиришга доир манзилли тадбирлар ижросининг ҳафталик назоратини ташкил этади;

д) йил якуни бўйича касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича энг паст натижа кўрсатган туман (шаҳар) ҳокимликларига қонунчиликда белгиланган интизомий чоралар кўрилади;

4. Ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларига касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштиришга кўмаклашиш тавсия этилсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари комплекс тасарруфидаги вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари, уларнинг худудий бўлинмалари таркибидаги корхона ва ташкилотларнинг бириктирилган касб-хунар коллежлари битирувчилари билан уч томонлама шартномаларни тузилишини, шартнома шартларини бажарилишини ҳамда битирувчиларни ишга жойлаштирилишини қатъий назоратга олсин.

6. Қуйидагилар:

касб-хунар коллежларининг 2014/2015 ўқув йилидаги битирувчиларини, кейинчалик эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштиришни назарда тутган ҳолда, ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун аниқ корхона ва ташкилотларга — иш берувчиларга бириктириш кўрсаткичлари 5-иловага мувофиқ;

2015 йилда тижорат банклари томонидан касб-хунар коллежлари битирувчилари учун имтиёзли кредит ажратишнинг прогноз параметрлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази:

касб-хунар коллежлари битирувчиларининг билим даражасини ва касбий тайёргарлиги сифатини ошириш, касб-хунар коллежларининг ўқув-лаборатория хоналари ва ишлаб чиқариш устахоналарини замонавий жиҳозлар, юқори технологияли ускуналар билан қўшимча жиҳозлаш чораларини кўрсин;

битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини сифатли ташкил этиш ҳамда эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштиришни акс эттирувчи ягона шаклдаги электрон дастур асосида маълумотлар базаси юритилишини давом эттирсин;

белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши тўғрисида ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин.

8. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури асосида белгиланган янги иш ўринлари ташкил этилишининг доимий мониторингини олиб борсин ҳамда ташкил этилган иш ўринларига меҳнат бозорига янги кириб келаётган касб-ҳунар коллежи битирувчилари ишга жойлаштирилишига кўмаклашсин;

туман (шаҳар) марказларида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркаларининг самарали ташкил этилишини назоратга олсин;

меҳнат ресурслари, аҳоли бандлиги ва ишга жойлаштиришнинг 2016 йилги ҳисобот балансида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлиги ҳолатини назарда тутсин.

9. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун бириктирилган корхона ва ташкилотларнинг йўналиши битирувчиларнинг мутахассисликларига мослиги, битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш самарадорлиги, битирувчиларнинг ишга жойлаштирилганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини ўрганишни ташкил этсин ва натижаси бўйича Вазирлар Маҳкамасига ҳар чоракда ахборот бериб борсин.

10. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 10 март,
52-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 10 мартдаги 52-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишлаб
чиқариш амалиётини ташкил этиш, аниқ ташкилотларга —
иш берувчиларга бириктириш ва эгаллаган касблари бўйича
ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича Республика
мувофиқлаштирувчи кенгаши
ТАРКИБИ**

- А.И. Икрамов — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши раиси
- Э.И. Баситханова — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши раиси ўринбосари
- У.З. Салимов — Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директори
- А.А. Абдуҳақимов — Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири
- Б.Э. Тўраев — Давлат статистика қўмитаси раиси
- У.И. Иноятов — Халқ таълими вазири
- Д.Р. Турдиев — Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари
- А.В. Алимов — Соғлиқни сақлаш вазири
- Б.Р. Парпиев — Давлат солиқ қўмитаси раиси
- Ж.А. Қўчқоров — Молия вазирининг ўринбосари
- Б.М. Ахмедов — Маданият ва спорт ишлари вазири в. в. б.
- А.Э. Шайхов — Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси
- У.М. Мустафоев — Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари
- Б.М. Фаниев — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси
- Ш.М. Тошмуродов — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» ОАЖнинг Тошкент шаҳридаги вакиллик раҳбари
- С.Ф. Фуломов — Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонаси бош директор ўринбосари, Тошкент шаҳридаги вакиллик раҳбари
- А.Ж. Раматов — «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси раиси
- У.Й. Узоқов — Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудир

- Р.М. Мамадалиев — Вазирлар Маҳкамасининг Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири
- Лавозими бўйича — Вазирлар Маҳкамасининг Машинасозлик, электротехника ва авиация саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари ахборот таҳлил-департаменти мудири
- Х.Н. Хасилов — Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири
- Лавозими бўйича — Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири
- Ш.М. Содиқов — Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири
- А.А. Раҳматов - Вазирлар Маҳкамасининг Макроиктисодий ривожлантириш, таркибий ўзгартиришлар, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти сектор мудири
- К.А. Эшпулатов - Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти етакчи мутахассиси

Изоҳ: Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд тегишли функциялар юкланган шахслар киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 10 мартдаги 52-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш, аниқ ташкилотларга — иш берувчиларга бириктириш ва эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича ҳудудий мувофиқлаштирувчи кенгашларнинг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

Кенгаш раиси	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари
Кенгаш аъзолари (лавозими бўйича):	Ўрта махсус, касб-ҳунар ҳунар таълими марказининг ҳудудий бошқармаси бошлиқлари, Кенгаш раиси ўринбосари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ҳудудий бош бошқармаси бошлиқлари Иқтисодиёт вазирлигининг ҳудудий бошқармаси бошлиқлари Давлат солиқ қўмитасининг ҳудудий бошқармаси бошлиқлари Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий бошқармаси бошлиқлари Молия вазирлигининг ҳудудий бошқармаси бошлиқлари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий бошқармаси бошлиқлари Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг ҳудудий бошқармаси бошлиқлари Давлат статистика қўмитасининг ҳудудий бошқармаси бошлиқлари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳудудий ташкилотлари раҳбарлари Лавозими бўйича Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия таркибига киритилган прокурорлар (келишув асосида) Савдо-саноат палатасининг ҳудудий тизими раҳбарлари Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорлари Йирик корхона, ташкилот ва идораларнинг раҳбарлари

Изоҳ: Ўрта махсус, касб-ҳунар ҳунар таълими марказининг ҳудудий бошқармалари ҳудудий мувофиқлаштирувчи кенгашларнинг ишчи органи ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 10 мартдаги 52-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишлаб чиқариш
амалиётларини ташкил этиш ва уларни ишга жойлаштириш бўйича
амалга ошириладиган ишлар
СХЕМАСИ**

Босқич-лар	Масъул бажарувчилар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Туман (шаҳар) ҳокимликлари, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, иқтисодиёт бўлимлари, касб-хунар коллежлари	<ol style="list-style-type: none"> 1. Касб-хунар коллежларининг битирувчиларини тўлиқ маълумотлар банкни шакллантириш. 2. Туман (шаҳар)даги корхона ва ташкилотларнинг ўрта махсус маълумотиغا эга кадрларга бўлган эҳтиёжни шакллантириш. 3. Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда касб-хунар коллежлари директорлари билан бирга битирувчиларини корхона ва ташкилотларга бириктириш. 	<p>10 февралга қадар</p> <p>15 февралга қадар</p> <p>20 февралга қадар</p>
2-босқич	Туман (шаҳар) иқтисодиёт бўлимлари, касб-хунар коллежлари	Касб-хунар коллежларини битирувчиларини корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ва уларни ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама шартномаларни имзолашни ташкил этиш.	20 мартга қадар
3-босқич	Касб-хунар коллежлари, корхона ва ташкилотлар	<ol style="list-style-type: none"> 1. Битирувчи курс ўқувчилари амалиёт ўтайдиган корхона ва ташкилотларда етарли шарт-шароит яратиш. 2. Корхоналардаги ишлаб чиқариш жараёнлари билан бевосита боғлиқ ҳолда битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш. 	<p>Март</p> <p>Апрель — июнь</p>
4-босқич	Туман (шаҳар) ҳокимликлари, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, иқтисодиёт бўлимлари, касб-хунар коллежлари	Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришни ташкил этиш: уч томонлама «корхона-битирувчи-коллеж» шартномалар асосида; ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркалари орқали; ўз хусусий ишини очиб, бизнес билан шуғулланишга қарор қилган касб-хунар коллежлари битирувчиларига тижорат банкларининг имтиёзли кредитларини ажратиш орқали.	Тасдиқланган жадвал
5-босқич	Туман (шаҳар) ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда Худудий кенгашлар, Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши	<ol style="list-style-type: none"> 1. Битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ҳамда ишга жойлаштиришни боришини акс эттирувчи ягона шаклдаги маълумотлар базасини юритиш. 2. Битирувчиларни иш билан таъминланганлигининг ҳаққонийлигини шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақлари орқали назорат қилиш. 	Ҳар ҳафтада

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 10 мартдаги 52-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларини, кейинчалик эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштиришни назарда тутган ҳолда, ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун аниқ корхона ва ташкилотларга — иш берувчиларга бириктириш ҳамда ишга жойлаштиришни ташкил этиш бўйича
ТАДБИРЛАР**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
I. Касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларини аниқ корхона ва ташкилотларга — иш берувчиларга бириктириш, уларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш			
1.	Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш, аниқ ташкилотларга — иш берувчиларга бириктириш ва эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича ҳудудий кенгашларининг йиллик иш режаларини тасдиқлаш.	10 январь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази
2.	Касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларининг тўлиқ маълумотлар банкини шакллантириш, туман (шаҳар)даги корхона ва ташкилотларнинг ўрта махсус маълумотига эга кадрларга бўлган эҳтиёжини шакллантириш.	10 февралга қадар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази
3.	Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда касб-ҳунар коллежлари директорлари билан бирга битирувчиларини корхона ва ташкилотларга бириктириш.	20 февралга қадар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
4.	Касб-хунар коллежлари битирувчиларини корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ва уларни келгусида ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама «корхона-битирувчи-коллеж» шартномаларини имзолани ташкил этиш.	20 мартга қадар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази
5.	Ёшларни корхона ва ташкилотларда ишчи ходим бўлиб ишлаши учун расмийлаштириладиган ҳужжатлардан тортиб, иш ҳақи олиш, солиқ мажбуриятлари ва СТИР, шахсий жамғариб бориладиган ҳисобварақлари очилишигача бўлган жараёнлар қамраб олинган ўқув курсларини ишлаб чиқиш.	25 март	Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Халқ банки, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
6.	Ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган битирувчилар учун яратилган шарт-шароитлар, солиқ ва бошқа имтиёз, преференциялар, бизнес режалар тайёрлаш, кредит олиш, лизингга техника ва технологиялар берилишига доир аниқ кўрсатмалар ва ахборотларни ўз ичига оладиган ўқув курслари ишлаб чиқиш.	30 март	Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Марказий банк, тижорат банклари, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши
7.	Касб-хунар коллежларининг 3-курс ўқувчилари ишлаб чиқариш амалиётини ўташини ташкил этиш мақсадида: битирувчи курс ўқувчилари амалиёт ўтайдиган корхона ва ташкилотларда етарли шарт-шароит яратиш; битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташ жадвалини корхоналардаги ишлаб чиқариш жараёнлари билан бевосита боғлиқ ҳолда ташкил этиш.	20 март Тасдиқланган жадвал асосида	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
8.	Ёшларни иш билан таъминлаш ва ўз бизнесини очишга бўлган қизиқишини янада кучайтириш ҳамда бу жараёнларни кенг оммага етказиб бериш мақсадида касб-ҳунар коллежини битирган йигит-қизларни ўз бизнесини очиш учун реал ҳолатда амалга ошириладиган ишлар кетма-кетлигини ёритиб бериш бўйича махсус телекўрсатувлар (реалити шоу) тайёрлаш ва эфирга узатиб борилишини йўлга қўйиш.	йил давомида камида ҳар ойда икки марта	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Давлат солиқ қўмитаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши
9.	Ёшларни меҳнатга жалб қилиш ва ўз бизнесини очишга кўмаклашишга хизмат қиладиган Интернет тармоғида «Махсус портал» яратиш. Бу порталда, «ўз бизнесингни ташкил қил» рукнида оддий кўринишдаги намунавий бизнес режалар, яъни техник иқтисодий асослар (ТЭО); маълум бир йўналишда бизнесни йўлга қўйиш бўйича молиявий маблағлар айланмаси, даромадлар ва харажатлар структурасини автоматик тарзда ҳисоблаб берувчи электрон дастурлар; бизнесда муваффақиятга эришиш босқичлари (success history) тўғрисидаги ахборотларни жойлаштириш.	март-апрель	Савдо-саноат палатаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Марказий банк, тижорат банклари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази
II. Касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларини эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштириш, уларга ҳар томонлама кўмаклашишни ташкил этиш			
10.	Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашда қўшимча қулайликлар яратиш учун ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш, йўлланма олган ёшларнинг ишга жойлаштирилиши назоратини ташкил этиш.	Ярмарка ўтказиш жадвалини ишлаб чиқиш — 10 март	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
		амалга ошириш — жадвал асосида	вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
11.	Ўз хусусий ишини очиб, бизнес билан шуғулланишга қарор қилган касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тижорат банклари томонидан имтиёзли кредит ажратиш режа-жадвалини ишлаб чиқиш.	Режа-жадвални ишлаб чиқиш — 10 март	Марказий банк, Савдо-саноат палатаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши
12.	Корхона ва ташкилотларда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун банд қилиб қўйилган квота иш ўринларининг манзилли рўйхатлари асосида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашишига қўмаклашиш, бунда биринчи навбатда имконияти чекланган шахслар (ногиронлар), кўп болали ва кам таъминланган оилалар фарзандларини эътиборга олиш.	10 июнь — 20 июль	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
13.	Иш берувчи — корхона ва ташкилотлар томонидан битирувчиларни ишга қабул қилишда уларга берилган имтиёزلарни амалда татбиқ этилиши, қонунчиликда белгиланган преференция ва имтиёزلардан фойдаланиши бўйича жойларда фаолият кўрсатаётган корхоналар иштирокида қисқа муддатли ўқув семинарлари ташкил қилиш.	Май-июнь ойларида тасдиқланган жадвал асосида	Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази
III. Касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларини иш билан таъминлашнинг боришини назорат қилиш			
14.	Битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини сифатли ташкил этиш ҳамда эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштиришни акс эттирувчи ягона шаклдаги маълумотлар базасини яратиш.	20 март	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
15.	Касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларига ҳудудий солиқ органлари томонидан СТИР ва Халқ банки филиаллари томонидан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари (ИНПС) очилишини таъминлаш.	1 майгача	Давлат солиқ қўмитаси, Халқ банки, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
	Худудлар кесимида режа-графиклар ишлаб чиқиш.		
16.	Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминланганлигини иш ҳақидан даромад солиғи тўланиши ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари (ИНПС) очилиши орқали ҳисобга олиш.	июль — декабрь	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Халқ банки
17.	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг: 84-моддасига асосан ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълим муассасалари битирувчиларининг таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кираётган битирувчилари ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмаслиги; 247 ¹ -моддасига асосан уч йил ичида биринчи бор ишга кирган битирувчилар билан меҳнат шартномаси у тузилган кундан эътиборан уч йиллик муддат ўтгунига қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинганда меҳнат органларига хабар берилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш.	Назорат ўтказиш жадвалини ишлаб чиқиш — 10 март, назорат — жадвал асосида	Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази
18.	Жамоа шартномаларига ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш ходимларнинг меҳнат фаолиятларини кафолатлаш бўйича алоҳида бандлар киритилишига эътибор қаратиш ва бу борадаги ишларнинг мониторингини олиб бориш.	Назорат ўтказиш жадвалини ишлаб чиқиш — 10 март, мониторинг олиб бориш ҳар ойда	Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
19.	Худудда тегишли манфаатдор ташкилотлар томонидан таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш тадбирларини амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш.	Назорат ўтказиш жадвалини ишлаб чиқиш — 20 март	«Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

Вазирлар Махкамасининг
2015 йил 10 мартдаги 52-сон қарорига
5-ИЛОВА

115-модда

Касб-хунар коллежларининг 2014/2015 ўқув йилидаги битирувчиларини, кейинчалик эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштиришни назарда тутган ҳолда, ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун аниқ корхона ва ташкилотларга — иш берувчиларга бириктириш КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	Туман ва шаҳарлар	Касб-хунар коллежлари сони	Ўқувчилар сони	Корхона ва ташкилотлар сони	Шундан соҳалар бўйича:															
					саноат		савдо ва хизмат кўрсатиш		таълим		соғлиқни сақлаш		қишлоқ хўжалиги		қурилиш		транспорт ва алоқа		ўрмон хўжалиги, маданият, ижтимоий таъминот, уй-жой-коммунал хўжалиги ва бошқалар	
					кор-хона ва ташкилот сони	ўқувчи сони	кор-хона ва ташкилот сони	ўқувчи сони	кор-хона ва ташкилот сони	ўқувчи сони	кор-хона ва ташкилот сони	ўқувчи сони	кор-хона ва ташкилот сони	ўқувчи сони	кор-хона ва ташкилот сони	ўқувчи сони	кор-хона ва ташкилот сони	ўқувчи сони	кор-хона ва ташкилот сони	ўқувчи сони
Қорақалпоғистон Республикаси																				
1.	Нукус шаҳри	20	5254	3264	303	464	989	1226	198	262	97	201	87	103	422	681	331	513	837	1804
